

ANALYSIS OF THE SYMBOLIC MEANING OF PATTERNS USED IN ARCHITECTURAL MONUMENTS OF UZBEKISTAN

Senior teacher NM Mirfayazova,

Student M.Sh. Makhamboeva

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Abstract: The following article presents the meaning and deep analysis of the patterns in the architectural buildings.

ЎЗБЕКИСТОН МЕЬМОРИЙ ОБИДАЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН НАҚШЛАРНИНГ РАМЗИЙ МАЊНОСИ ТАҲЛИЛИ

Катта ўқитувчи Н.М.Мирфаязова, талаба М.Ш.Махкамбоева

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Уибу мақолада миллий меъморий обидаларда қўлланилган нақшларниг рамзий мањноси ва унинг таҳлили келтирилган.

В данной статье приведены значения и анализ орнаментов использованных национальных архитектурных сооружениях.

Қадимдан миллий меъморий обидаларда қўлланилган нақш элементларини либосларни бадиий безашда фойдаланилади. Орнамент (лот. ornemantum — безак) — турли предметларни (мебель, уй жиҳозлари, тўқимачилик маҳсулотлари, китоб ва бошқаларни) безаш учун мўлжалланган, таркибий элементларниг тақрорланиши ва алмашинишига асосланган нақшдир. Орнамент — бу тўғри тақрорланувчи тенг шаклларни бирикмаси бўлиб, қадим ўтмишда рамзий ва фусункор мањнога эга бўлган, инсоннинг энг қадимги тасвирий фаолиятларидан биридир, аммо дастлабки декоратив-орнаментал элементлар мањновий аҳамиятга эга бўлмасдан, балки шунчаки ритм, шакл, тартиб ва симметрияни акс эттирган. Дастлабки орнамент деярли фақат қатъий шакллар - айлана, ярим айлана, овал, спираль, квадрат, ромб, учбурчак ва уларнинг бошқа комбинациялардан ташкил топган геометрик шаклда бўлган. Безакда асосан зигзаг, штрих чизиқлар, йўл-йўл, “арчасимон” орнамент, арқонсимон нақш қўлланилган. Қадимги одамлар оламни ташкилий тузилмаси ҳақида маълум илоҳий тасаввурга эга бўлишни бошлаганларидан сўнг, шаклларниг рамзий мањнолари келиб чиқа бошлаган. Масалан, айлана — қуёш, квадрат — ер, учбурчак — тоғлар, свастика — қуёш ҳаракати, спираль — ривожланиш, ҳаракат ва б. Аммо у даврда улар эҳтимол безак вазифасини ўтамаган, чунки уларни одам назари тушмайдиган жойларига, идишлар тубига, тақинчоқ ва туморларниг орт томонларига туширилган. Аста секин ушбу рамз-белгилар эстетик қийматга эга бўлиб, нақшнинг орнаментал ифодасига эга бўла бошлади. Орнаментнинг безаш вазифаси аниқланди. Шуни айтиш жоизки, нақш мотивлардан дастлабки ёзув – пиктография пайдо бўлди.

Орнамент — бу, кўпгина мутахассисларниг фикрига кўра, мустақил йўналиш эмас, балки у ёки бу нарсаларни безашда қўлланиладиган тасвирий ижоднинг ўзига хос туридир, шу билан бирга “...етарлича мураккаб тасвирий тузилма бўлиб, уни ташкил этиш учун турли ифодали воситалар қўлланилади. Улар ранг, фактура ва орнаментал композициянинг математик асослари – ритм, симметрия; орнаментал чизиқларниг график экспрессияси, уларнинг йўналиши, эгилувчанлиги, бурчаги; рельеф орнаментлардаги пластика ва ниҳоят мотивларниг ифодалилик сифатлари ва унинг гўзаллигини ўз ичига олади. Орнамент сўзи безак сўзи билан боғлиқ бўлиб, “хеч қачон мустақил кўринишга эга бўлмаган, фойдалилик ва гўзаллик сифатларидан ташкил топган бўлиб, негизида функционаллик ётади.” Безак буюмниг шаклини қўллаб, таъкидламоғи лозим. Орнамент предметли

ёки предметсиз мотивлардан ташкил топиши, унда натуралистик элементларнинг стилизациялаштирилган ва геометриязалаштирилган нақшлар кўлланилиши мумкин.

Нақш миллий амалий хунармандчиликда катта ўрин тутади. Нақшнинг асосий 4 та функцияси мавжуд бўлиб: биринчидан, конструктив – у жисмни тектоникасини сақлаб, уни фазовий идрок этишга ёрдам беради; иккинчидан, эксплуатацион — буюмдан фойдаланишни осонлаштиради; учинчидан, репрезентацион — буюмни қийматини оширади; тўртинчидан, психологик — инсон руҳиятига таъсир этиб уни ҳаяжонлантиради ёки аксинча тинчлантиради.

Безак санъатининг узоқ тарихи мобайнида нақшларнинг кўпгина турлари юзага келди: геометрик, ўсимлик, комплекс ва ҳ.к., оддий бўлинмалардан то мураккаб туташмаларгача. Геометрик нақшни ўрганишнинг мухим тарафларидан бири композицион хусусиятларни тузилишини аниқлашгина бўлибгина қолмай, балки нақшнинг ташкил этувчиларни изоҳлаш ҳам алоҳида ўрин тутади. Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, геометрик нақш ибтидоий даврда шаклланиб абстракт ғояни ифодалаган. Қадимги одамлар атрофи оламни горлар деворлари ва уй жиҳозларида белгилар ёрдамида ўзгача акс эттиришган. Ибтидоий орнаментал композицияларда геометрик рамзий шакллар кўп учрайди: айлана-қуёш, квадрат-ер, учбурчак-тоғ, спираль-доимий ҳаракат.

Геометрик нақш чизиқли, фазовий композицион системаларни шакллантиради. Айнан геометрик нақш атрофи оламни математик, рационал тушунчасини маъносини англаш имконини беради. Айлана, квадрат, учбурчак сегментлардан иборат турфа композицияларни яратганда рассом геометрик орнаментларнинг дастлабки холатлари тузилмалари - математик ҳисоб китобга таянади. Бурчак асосига орнаментал композицияда такрорланувчи ёки компонентларнинг пропорционал нисбатни ифодаловчи рақам қўйилади.

Геометрик нақшнинг асосини битта элементни қатъий равишда такрорланувчи кетма-кетлик ва тартиблик ташкил этади. Аксарият холларда геометрик элементли орнаментал композициялар симметрия қонуниятига бўйсунади. Одатда, геометрик шакллар кетма-кетликда такрорланиб узлуксиз ритмик қаторни ташкил этади. Халқ ижодида нақш доим ижобий ўрин эгаллаб, унинг маъновий талқини доим замонавий принципларга мос келган.

Одатда буюм шакли нақшни белгилаб берсада, рассомлар турли композицияларга мурожаат қилишган. Геометрик орнаментни қуриш схемалари ва классификациялари турфа хил бўлиб куйидагиларга ажратиш мумкин:

- ритмик такрорланиш (чизиқли ва айланма);
- қўзгули симметрия
- бир нечта элементли (сеткали).

Геометрик орнаментда кўпгина мутахассислар ибтидоий-жамоа алгоритми асос бўлган деб ҳисобласаларда, ҳар бир маданий йўналиш рамзларни ўзича талқин қиласди. Геометрик орнамент қатъий макони, муайян жойлашувига эга. Геометрик нақшлар буюмнинг конструкцияси билан доим мос келади.

Айлана – боши ва охирига эга бўлмаган, чексиз ва ҳажмсиз, универсал рамз ҳисобланади. Кўпгина русмларда (анъаналарда) айлана, фазовий маконни тимсоли бўлган.

Шунингдек, айлана – мукаммаллик, бирлик, боқийлик, тўлиқлик ва тугалланганлик йиғиндиси, у ўзида уйғунликни акс эттириб геометрик нақшлардан энг универсал шакли ҳисобланади. Айлананинг асосий функцияси осмон жисмларини рамзий ифодалашдан иборат, исломда айлана Оллоҳнинг назаридир деб юритилади.

Квадрат - барча маданий йўналишларда орнаментал безакнинг асоси бўлган. Қадимги дунёқарашларга кўра квадрат оламнинг асосини, дунёнинг тўрт тарафини ташкил этади. Квадратнинг ҳамма тарафлари терроториал маънони ҳам ифодалайди. Квадрат баъзида ромб ёки тўғриттўртбурчак ер хўжалигини асосий белгиси бўлиб ҳайдалган ернинг ифодаси бўлган. Квадратнинг рамзий маъноси – баркамоллик, доимилик, барқарорлик, ҳалоллик ва поклик бўлган.

Айлана ва квадратнинг бирлашмаси (уйғунлиги) ва тананинг (квадрат) қалб (айлана) билан боғлиқлиги, осмон ва ернинг бирлиги рамзидир.

Учбурчак – инсониятнинг асоси, геометрик орнаментни фундаментал шакли ҳисобланади. Учбурчакда инсониятнинг руҳи, қалби ва жисми мужассамdir.

Овал – инсон қалбининг ҳимояси, инсониятни келиб чиқиши, оламни яралиш сирларининг белгиси ҳисобланади.

Спираль – азалдан ҳаётий қучнинг рамзи бўлиб, вақтнинг, умрнинг ўткинчилигини, ҳаёт қарама – қаршиликлардан иборатлилигини англатади.

Вақт ўтиб барча асосий диний йўналишларда – мажусийлик, христиан, будда, яхудий, ислом ва бошқа динларда – ўзининг ақидалариға мос келувчи орнаментал композициялардаги геометрик рамзларнинг семантикаси шакллана борди. Нақшнинг тарихида араб маданияти ва ислом динини эътиқод қилувчи давлатлар маданияти таъсири улкан ҳисобланади. VII асрнинг бошларида юзага келган Ислом дини тез орада яқин Шарқ давлатларида кенг тарқалиб, серҳашам, зийнатли араб-мусулмон нақшлари орнамент маданиятини янада бойитди. Энди орнаментал нақшлар ўзига хос ноёб араб каллиграфияси билан уйғунлашиб эпиграфик нақшни юзага келтирди.

Мусулмон орнаментининг иккита асосий тури мавжуд бўлиб, улар ўсимлик – ислими яъни гуллар ва барглар билан бойитилган тўлқин чизиклар ва геометрик – гирих бурчакли полигонал шакклардан иборат тўрсимон узлуксиз нақшлардир. Ислими ва гирих доим математик белгиланган бўлиб, уларнинг композициялари деярли битмас ва чексизdir. (1-расм)



1-расм. Геометрик нақшлар намунаси.

Ислом нақшларида қисқа сатрли нақшларни кўп учратиш мумкин, улар мақоллар, ибратли сўзлар, маъноли иборалар, ҳикматлар ва афоризмалардан иборат. Исломда инсон ва жонзотларни тасвирлаш тақиқланган, шунга қарамай рассомлар жонзотлар тимсолини нақшларга кўшиб антропоморф шаклда ифодалашга интилишган. Бу ҳолда улар эркин, якка ҳолда эмас нақшнинг бир бўлғи элементи сифатида намоён бўлган. Қуръондаги муқаддас суралар - қадимги кўл ёзмалар, иншоот равоқлари ва деворлари, иморат безаклари, сағаналар, мато, гилам, кулолчилик буюмлари нақшларида мухрланиб, мусулмонлар учун оламни, руҳий ҳолатни, тасвирий ва декоратив вазифани бажарган. Сўзларни тасвирлаш санъати— каллиграфия, тасвирий шакл ва орнаментал ноёб ифодага эга. Исломда декоратив шакллар доим маънога тўла ва викорлидир.

Юкорида қайд этилган белгиларнинг турли комбинациялари предметнинг илохий маъносини англатиб вазифасини белгилаб берган. Аммо рассомлар геометрик орнаментни ҳар доим ҳам илохий маъносини инобатга олган ҳолда эмас, балки буюмни бадиий безаш учунгина фойдаланишган. Инсон психологияси ва атрофи оламни идрок этишга қаратилган янги давр санъатида геометрик орнамент кам қўлланилмоқда, лекин ундан бутунлай воз кечилгани йўқ албаттта. 20-30 йилларда механизациялаш даври орнаментни тўғри чизикларга бўйсундирди. Юкоридагилардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак орнамент тарихда рассом-хунарманднинг индивидуал ғоясига бўйсунган.

Усталар хиссий таъсиричанликка интилишган, элементлар турли ўлчамда, шаклда ва қиялида бўлган. Қадимги ва замонавий усталар мисол учун, матога нақш туширишда муайян қонуниятларга асосланишган.

XX аср санъатида геометрик нақшлар буюмларга механик усуlda туширила бошланган. Шунинг учун бу усуlda туширилган нақшлар контурлари мутлақ аниқ, равshan бўлган. Кўргина асрлар давомида юзага келган миллий нақшларимизнинг анъанавий тасвирини ўзига хос қонун – қоидалари ва асослари сақланиб, тақрорланиб келмоқда. Бу анъаналарнинг сақланишига миллий хунармандчиликка бўлган кучли эътибор сабаб бўлмоқда. (2-расм)



2-расм Ҳунармандчиликда қўлланилувчи декоратив нақшлар.

Хулоса қилиб айтганда, орнаментал декоратив нақшларда реалистик шаклларни геометрик шакллар орқали шартли белгилар ёрдамида ифодаланилади, яъни рассом ҳаётий тимсолни геометрик стилизациялайди. Бундай стилизация кўп холларда уларнинг ташки тасвирини ўзgartариб умуман таниб бўлмас қиёфага келтиради, улар оддий геометрик нақшга айланиб қолади.

Нақшга бўлган муносабат турли даврларда ўзгариб, баҳс мунозараларга ҳам сабаб бўлган. Чунки саноатнинг ривожланиши орнаментни рамзий маъносини йўқолишига олиб келган бўлса, қадимги миллий ҳунармандчиликни тикланиши ва унга бўлган қизиқишининг кучайиши, орнаментнинг рамзий маъносини чукур ўрганишни ва таҳлил қилишни тақазо этади. Шу боис турли нақшларнинг синтезидан янада мураккаб ва мукаммал нақшлар ихтиро қилинмоқда. Бунга мисол қилиб миллий нақшларимизни модерн услубидаги талқинини келтириш мумкин. Бунда қатъий геометрик миллий нақшларни модерн услубининг асоси - тартибсиз кескинликдан, шиддатли заифлашган чизиклар билан бириккан. Бундай замонавий нақшларда динамика ва харакатни хис этиш мумкин. Модерн орнаментида ҳам нақш ўз таъсирчанлиги ва рамзий маъносини йўқотмайди, балки метаморфоз ғайритабии тасаввуф кашф этади. 1920—1940 йилларда пайдо бўлган орнаментнинг янги шакли ардеко (декоратив услуг) асосини геометрик нақш ташкил этади. XX асрда орнаментга бўлган муносабат мураккаб аҳамиятни касб этади – айрим рассомлар уни тан олишса, айримлар рад этишган.

Инсоният яралиши билан юзага келган нақш ҳаётни эмоционал ва эстетик жиҳатдан бойитиб, майший жиҳозлар, матолар, заргарлик буюмлари ва китобларни тимсолий структурасини ташкил этади.

Нақш рамзини ўрганиш - тасвирий саводхонликнинг алоҳида бўлими бўлиб, буюм ва либосларни бадиий қиёфасини безаш ва шакллантириш билан боғлиқ вазифаларини бажарувчилар учун кераклиdir. Дизайнер либосни яратишда бадиий безак бериш учун лойиҳадаги нақшларнинг рамзий маъносини ўрганиши керак. Хар бир белгининг рамзий маъносини англамасдан туриб либосларда қўллаш мумкин эмас. Масалан, Тошкент дўпписидаги нақшни либосда қўллаш тавсия этилмайди. Одам тасвирини ҳам либосларга кўчириш мумкин эмас, шунингдек юқорида таъкидланган араб каллиграфиясини геометрик нақшини ҳам либосларни безашда тавсия этилмайди.

Либосларни бадиий безашда нақшларни ўрганишнинг яна бир нозик томони уларнинг либосдаги композицион жойлашувидир. Лойиҳа эскизларида нақшларни жойлашувини майда деталларигача таҳлил қилиниши зарур. Геометрик нақшлар инсон қоматини анатомик қайтариши уни бачканга бўлиб кўринишига олиб келади. Шундай экан ҳар бир дизайнер нақш ва белгиларнинг рамзий маъносини ўргангандек холда кийимга кўчириши ёки либосларни бадиий безашда фойдаланиши мумкин.

1. В. И. Ивановская. Геометрический орнамент. Изд. "В.Шевчук" М.: 2009
2. Бободжанова Г. Богатство мироздания и символов поток – Т. : «Звезда Востока» № 1 , 1999.